

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«РИКИАТМ» ДМ

Фозилов Х.Ғ.

2022 йил.



**Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида
Ахборот Коммуникация Технологияларини аутсорсинг хизматини ташкиллаштириш
бўйича техник топшириқ.**

1. РИКИАТМга юқори турувчи ташкилотлар томонидан Марказнинг АКТга доир масалалари бўйича бериладиган барча саволлар, сўровномалар, топшириқлар, вазифалар ва бошқа АКТга алоқадор хат ҳужжатлар билан ишлаш, ички буйруқларни чиқариш, АКТ бўлими ишини юритиш;
2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Кибер хавфсизлик бўйича аниқ иш режасини ишлаб чиқиш. Марказ сервери ва ходимлари компьютерларида сақланаётган маълумотлар дахилсизлигини сақлаш.
3. Марказнинг доимий инвентеризация жараёнида иштрок этиш. Жумладан марказ балансида сақланаётган компьютер техникаларини соз ва носозлик даражасига қараб уларни балансдан чиқариш, ҳамда марказ фаолияти учун керакли, зарур техник ускуналарни сотиб олишда асосий эксперти бўлиш.
4. Локал ҳисоблаш тармоғини мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиш ва талаб кўра кенгайтириб бориш;
5. Ички ва шаҳар телефон тармоқларини назорат қилиш ва ҳар 6 ойда мини АТС станциялари лицензиясини янгилаб бориш ва доимий тарзда дастурлаб бориш. Шунингдек ходимлар томонидан алоқа сифати бўйича қилинган муружатларни ижобий ҳал қилиш;
6. Беморлар палаталарида жойлашган рақамли телевизорларини созлаш ва ишлашини назорат қилиш;
7. Ташқи интернет тармоғи билан марказ ходимларини узлуксиз таъминлаш, Провайдерлар билан шартномаларни янгилаб бориш. Файрволл тизими орқали хавфсизликни йўлга қўйиш;
8. Марказда жойлашган коммуникацион шкафлар ва ускуналарнинг мониторингини утказиш уларнинг тўсатдан ўчиб қолишини олдини олиш. Мавжуд 2 та сервер компьютерларнинг ишлашини доимий тарзда назорат қилиш.
9. Давлат идоралари аро ахборот алмасув тизимлари ва бошқа химояланган ахборот тизимларидан ахборот хавфсизлигига риоя қилган ҳолда Марказ ходимларининг барча тизим ва ресурслардан фойдаланишни ўзлуксиз таъминлаш;
10. Марказда мавжуд 250 дан ортиқ компьютер ва принтер қурилма ва ускуналарини тўлиқ техник ҳолатини назорат қилиб бориш, Компьютерларни техник таъмирлаш, операцион тизимларини ўрнатиш ва антивирусларини доимий ишлаб туришини таъминлаш;
11. Принтерларнинг бўйоқларини қайта тўлдириш ва созлаб бериш;
12. Илмий лабораторияларда ишловчи ходимларнинг илмий лоиҳалари бўйича электрон дастурларни яратишда маслаҳат қуринишида кўмаклашиш;
13. Ташкилотнинг бизнес жараёнини оптимизациялаш мақсадида Марказ томонидан жорий қилинган барча ахборот дастурий тизимларининг ишлашини назорат қилиш. Жумладан марказ фаолиятининг айрим соҳалари рақамлаштириш жараёнида фойдаланиб келаётган дастурий таъминотларни бошқаришни ўз зиммасига олиш. (Булар қуйидаги дастурий таъминотлар: Техномед электрон касалик тарихи тизими, CLOCKSTER – кадрлар бўлими иш фаолиятини рақамлаштириш мақсадида жорий қилинган тизим.)
14. Видео кузатув мосламаларини ўрнатиш, назорат қилиш.

Компьютерлар тизимлари бўйича техник

З.Латинов